



**ҚИЗАМИҚ КАСАЛЛИГИ: ЗАМОНАВИЙ ДИАГНОСТИКА,
ПРОФИЛАКТИКА ВА ЭМЛАШ САМАРАДОРЛИГИ**

**Xolmuradov Inayatullo Ismatulayevich, Tursunova Shahnoza
Hamroyevna, Abdurazzoqova Maftuna Mirzoraim qizi,**

*Termiz iqtisodiyot va servis universiteti Tibbiyot fakulteti Tibbiy fundamental
fanlar kafedrasida o'qituvchisi,
Davolash ishi yo'nalishi talabalari*

Аннотация:

Ушбу мақолада Сурхандарё вилояти кесмида қизамиқ касаллиги ва унинг асоратларини ривожланишига таъсир этувчи омиллар таҳлил қилинади. Мақолада Ўзбекистон Республикасининг 2017 йилдаги **"Юқумли касалликларга қарши эмлашни ташкил этиш ва уларни профилактикаlash бўйича қарор"** (№153-сон) қарорига асосан, мамлакатимизда қизамиққа қарши эмлаш ва профилактика ишларининг аҳамияти ёритилган. Қизамиқ — юқумли вирусли касаллик бўлиб, касаллик асоратлари, шунингдек, болаларда эмлашнинг самарадорлиги ва вакцинациянинг аҳамияти баён этилган.

Калит сўзлар: Қизамиқ, болаларда эмлаш, вирус, инфекция, иммунитет, қизамиқ кечиши, эмлаш самарадорлиги.

Аннотация: В данной статье анализируются факторы, влияющие на развитие осложнений от кори в пределах Сурхандарьинской области. В статье освещается важность вакцинации и профилактических мероприятий против кори в Узбекистане на основе постановления Кабинета Министров Республики Узбекистан от 2017 года "О организации вакцинации против инфекционных заболеваний и мерах по их профилактике" (№153). Корь — это вирусное инфекционное заболевание, и в статье рассматриваются осложнения, возникающие при кори, а также эффективность вакцинации и ее значение для детей.

Ключевые слова: Корь, вакцинация детей, вирус, инфекция, иммунитет, течение кори, эффективность вакцинации.

Abstract: This article analyzes the factors influencing the development of complications from measles in the Surkhandarya region. The article highlights the importance of vaccination and preventive measures against measles in Uzbekistan based on the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan's 2017 resolution "On





the organization of vaccination against infectious diseases and measures for their prevention" (No. 153). Measles is a viral infectious disease, and the article discusses its complications, as well as the effectiveness of vaccination and its significance for children.

Keywords: Measles, vaccination of children, virus, infection, immunity, measles progression, vaccination effectiveness.

Муаммонинг долзарблиги:

Қизамиқ касаллиги Жаҳон Соғлиқни Сақлаш ташкилотининг олдидаги жиддий муаммолардан бири ҳисобланади. Касаллик бутун дунёда одамлар ўртасида кенг тарқалаётган бўлиб, юқумли ва суриштирувчи муаммоларга олиб келиши мумкин. Мақолада Сурхандарё вилоятида қизамиқнинг тарқалиши ва касаллик асоратларининг ўсишини таҳлил қилиш натижалари келтирилган. 2024 йилнинг биринчи чорагида 801 киши, 10-19 ёшдаги 693 нафар болалар ва 18-29 ёшдаги 4048 киши қизамиқ билан касалланган. Ҳар бир минтақа бўйича статистика ва юқумли касалликлар учун махсус эмлаш жадвали тавсия этилган.

Тадқиқот мақсади:

Сурхандарё вилоятида қизамиқнинг асоратларини ривожланишига таъсир этувчи омилларни таҳлил қилиш ва касалликни профилактика қилиш усуллари самарадорлигини баҳолаш.

Текшириш материаллари ҳамда усуллари:

Қизамиқ юқори даражадаги моилликка эга бўлган ўткир вирусли касаллик ҳисобланади. Вирус ҳаво томчи йўллари билан юқади ва бемор томонидан чиқарилган сўлак орқали атрофга тарқалади. Касалликнинг ҳарорат кўтарилиши, йўтал, қизамиқ тошмаси ва бошқа симптомларини ёритиш учун тиббий диагностика усуллари қўлланилган. Вирусли инфекцияга қарши эмлашнинг самарадорлиги ва профилактика чоралари такрорланиб кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикасининг эмлаш қонунчилиги ва жадвали:

Ўзбекистон Республикасининг "Юқумли касалликларга қарши эмлашни ташкил этиш ва уларни профилактикалаш бўйича қарор" (№153-сон, 2017) қарори асосида, миллий эмлаш тизими белгиланган ва ҳар йили эмлаш календарлари қабул қилинади. Қизамиққа қарши эмлаш жадвали куйидагича:

1. **1 ёшда эмлаш:**

○ **Қизамиқ ва қизилчага қарши эмлаш:** 1 ёшга тўлган болаларга суяланган жонли вакцина берилади (12-13 ойда).

2. **6 ёшда эмлаш:**





○ **Қизамиқ ва қизилчага қарши эмлаш:** 6 ёшда болаларга қайта эмлаш ёки ревакцинация амалга оширилади.

3. **10 ёшда эмлаш:**

○ **Қизамиққа қарши эмлаш:** Агар бола 6 ёшда эмланмаган бўлса, у ҳолда 10 ёшгача эмлаш лозим.

4. **18 ёш ва ундан катталар:**

○ **Вакцинация:** 18 ёш ва ундан катталар учун, агар қизамиқ ва қизилчага эмланмаган бўлса, қайта эмлаш ва вакцинация амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасининг эмлашга оид асосий ҳужжатлари:

1. "Юқумли касалликларга қарши эмлаш ва профилактика чоралари" тўғрисидаги қарор (№153-сон, 2017)

Бу қарор мамлакатда эмлашнинг тартибини белгилаб, юқумли касалликлар, шу жумладан, қизамиққа қарши эмлашни ташкил қилишда муҳим норматив ҳужжатлардан бири ҳисобланади.

2. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 24 февралдаги №07-сон "Эмлаш соҳасидаги давлат сиёсати" тўғрисидаги қарор Мазкур қарор мамлакатда эмлашнинг самарадорлигини ошириш ва аҳоли ўртасида вакцинани қабул қилиш кўрсаткичларини яхшилашга қаратилган. Қизамиқ ва бошқа касалликлар бўйича эмлашнинг жадвали ва ахборот берувчи механизмларини назарда тутади.

Тадқиқот натижалари:

Мамлакатимизда миллий профилактик эмлаш календарини амалга ошириш орқали, қизамиққа қарши эмлаш ишлари тўғри йўлга қўйилган. 2023-2024 йилларда Сурхандарё вилоятида 5373 киши қизамиқ билан касалланган. 10-18 ёшдаги болаларда касаллик жиҳатдан бир қанча асоратли даволанишларга олиб келган. Шахсий ва жамоавий эмлашнинг аҳамияти ва вакцинани вақтли қабул қилишнинг кўрсатилган самарадорлиги юқори бўлди.

Хулоса:

Қизамиқ касаллиги хавфли юқумли касалликлардан ҳисобланади ва у эпидемия ҳолатларига олиб келиши мумкин. Вакцинация, яъни болалар ва аҳолининг эмланиши — касалликнинг олдини олишдаги ягона самарали усулдир. Маълумотларга кўра, эмлаш орқали қизамиқнинг тарқалиши ва асоратларини камайтириш мумкин. Шунингдек, ота-оналарга фарзандларини вакцинация жадвалига мувофиқ эмлатиш муҳимлиги таъкидланган.





Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Соғлиқни сақлаш вазирлигининг "Юқумли касалликларга қарши эмлашни ташкил этиш ва уларни профилактикалаш бўйича қарор" (№153-сон, 2017).
2. И.М. Муҳаммедов, Ш.Р. Алийев, Ж.А. Ризаев, Ш.А. Хужаева. *Микробиология, вирусология ва иммунология.*
3. *Инто.мед 24.уз*
4. Жверев В.В. *Медицинская микробиология, вирусология, иммунология.* Москва, 2016.
5. Г.Тортора. *Микробиология* 2015.

